**Ушбу сонда:**
2 КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРГА ЁРДАМ
3 TV — ДАСТУРИ
4 *«Овчи ён дафтари»дан* БЎРИ ТАЪҚИБИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 23 январ, жума № 11 (1644)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЯНГИ СТАНЦИЯ ИШГА ТУШДИ

Қашқадарё вилоят марказида янги шаҳарлараро телефон станцияси ишга тушди. Ҳар жиҳатдан эскирган алоқа қурилмалари ўз ўрнини Хитойнинг «Хуавей» компаниясида ишлаб чиқарилган замонавий электрон ускуналарга бўшатиб берди.

2 минг 280 шаҳарлараро ва халқаро алоқа линиясига эга янги станция мижозларга қисқа вақт ичида исталган шаҳар билан боғланиш имконини беради. Мижозларга ўттиз турда қўшимча хизмат кўрсатади. Жумладан, интернетга уланиш имконияти ҳам мавжуд.

Станциянинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори А.Орипов, Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев иштирок этди.

**(ЎзА)**

*Меҳнат ва рағбат*

## АЁЛЛАР ИШЛАЙДИГАН ЖАРАЁНЛАР ЕНГИЛЛАШТИРИЛДИ

Қайси корхонада янги замонавий технология қўлланилса, илғор тажрибалар, фан-техника ютуқлари жорий этилса унумдорлик ортиб, маҳсулот сифати яхшиланади. Амударё туманидаги «Юлдуз» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятини шундай жамоалар сирасига киритиш мумкин.

Жамият раиси, тажрибали мутахассис Комил Раҳимовни тола ажратиш цехида учратдик. Раҳбар қисқа технология усулига ўтилганлиги туфайли пахтадан тола ажратиш миқдори ортганлигини, энг муҳими сифат кўрсаткичлари ўсганлигини фахрланиб гапирди.

Оролбўйининг тўнғич заводларидан ҳисобланган фидойи жамоа ўтган йилни муносиб якунлади. Хомашёдан тола чиқиши 33 фоизга кўтарилди. Бундай ютуққа меҳнатга муносабат ва ички интизом мустаҳкамланганлиги, ходимлар тўғрисида ғамхўрлик кучайтирилганлиги туфайли эришилди.

Жаҳон бозорида корхона пахта толаси ҳамиша харидоргир. Жумладан унинг маҳсулоти Америка Қўшма Штатлари, Швейцария, Австрия, Бельгия, Италия, Буюк Британия, Россия каби хорижий мамлакатларга юборилмоқда.

Ходимлар учун қулай шароитлар яратилган. Мавжуд цехлар, иш жойлари ишлаб чиқариш санитарияси ва гигиенаси талабларига мослаштирилган. Техника хавфсизлиги хонаси намунали қилиб жиҳозланган. Бу ерда меҳнат муҳофазаси бўйича машғулотлар мунтазам ўтказиб борилаяпти. Жамоада кўп йиллардан бери ишлаб келаётган М.Бозорбоева, З.Матёқубова, Й.Давлатов, М.Алланиёзов, Р.Тўраев каби тажрибали ишчи ва мутахассисларнинг хизмати билан корхона ривожланишининг ойдин йўлига чиқиб олди.

Бандлик дастури асосида янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор берилаяпти. Йил бошида ташкил этилган халқ истеъмол моллари тайёрлаш цехида қарийб 1 миллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, савдо тармоқларига етказиб берилди. Корхона раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан қабул қилинган жамоа шартномасининг ижроси қатъий назоратда. Кам таъминланган, серфарзанд оилалар, фахрийлар ва ногиронларга 1,5 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Йигирма нафардан ортиқ ишчи санаторий ва дам олиш уйларида даволаниб келишди.

Корхона қошида тиббиёт бўлими, гўзаллик салони, чойхона ва ошхона ишлаб турибди. Газета-журналларнинг янги сонларини «Маънавият ва маърифат» хонасидан олиб ўқиш мумкин. «2004 йил – Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиниши муносабати билан тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Унга асосан ходимларнинг дам олиши ва саломатлигини тиклаши учун қатор енгилликлар ва имтиёзлар берилади. Аёлларнинг меҳнат жараёнлари енгиллаштирилади. Боқувчисини йўқотган оилалар, фахрийлар, ногиронларга моддий ёрдам кўрсатилади. Заводда кўп йиллар самарали меҳнат қилган, айни пайтда нафақага чиққан отахон ва онахонлар бир пиёла чойга таклиф этилиб, рағбатлантирилади. Боқувчисини йўқотган, ўзгалар ёрдамига муҳтож кишиларнинг уйларига бориб ҳол-аҳвол сўралади.

Корхона маъмурияти болалар ва қариялар уйлари, мактаб ва маҳаллалар, «Нуроний», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, «Қизил Ярим Ой», ногиронлар ва кўзи ожизлар жамиятларини ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда.

**И.ИСОМИДДИНОВ**





«Ўзбекэнергия» Давлат акционерлик компанияси шуъба корхонасига қарашли Ангрен иссиқлик электр станциясида 1700 нафардан ортиқ ишчи-ходим меҳнат қилади. Бу ерда юксак меҳнат самарадорлигига эришиш учун илғор технологиялардан унумли фойдаланиляпти. Шунингдек, бу борада корхона ишчи-ходимларига қулай меҳнат ва дам олиш шароитларининг яратилганлиги ҳам муҳим рол ўйнамоқда.

***Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар.***

**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

## СЕМИНАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида аграсаноат соҳаси раҳбарларининг навбатдаги машғулотида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси С.Раҳимов эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мавзуида маъруза қилди.

Юртимизда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш билан боғлиқ муносабатларни такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада, айниқса давлатимиз раҳбарининг 2003 йил 24 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги фармони муҳим аҳамият касб этмоқда. Унда суғориладиган экин майдонлари чекланганлиги шароитида мулкчиликнинг ижара шакллари ва шартномавий муносабатларга асосланган хўжалик юритиш тизимини ривожлантириш зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

Семинарда ташқи ишлар вазири С.Сафоевнинг мамлакатимиз ташқи сиёсатининг асосий йўналишларига бағишланган маърузаси ҳам тингланди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков иштирок этди.

**(ЎзА)**

*Ислоҳот мевалари*

## ОДАМЛАР СОҒЛОМ БЎЛСИН ДЕБ

***Андижон вилоят ҳокимлигида «Аҳолининг сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилиши таҳлил қилинганда, Асака адрлари ҳудудида вилоят силга қарши кураш диспансерини очиш фикри ўртага ташланди. «ЎзДЭУ» автобирлашмасига қарашли пансионат муаммонинг ечимини ҳал қилди. Шундай қилиб, мазкур профилакторийни шифохонага мослаштиришга қарор қилинди. Ёрдамга автомобилсозлар биринчи бўлиб етиб келдилар. Қурилиш-таъмирлаш ишлари, мебеллар билан жиҳозлашга 150 миллион сўм маблағ сарфланди. «Ингра», «Мустақиллик» фирмалари, 116-,4-механизациялашган кўчма жамланмалар қурувчиларининг кўмаги ҳам самарали бўлди. Улар катта ҳажмда ер текислаш, қурилиш-тиклаш ишларини амалга оширдилар.***

Ниҳоят 350 ўринга мўлжалланган диспансер Меҳр ва мурувват йили арафасида ишга тушди. Сиҳатгоҳ жаҳон андозаларига мос тиббиёт технологияси, ускуналаш воситалари билан жиҳозланган. Унинг таркибида ўпка силини даволаш, жарроҳлик, жонлантириш бўлимлари мавжуд. Гинеколог, стоматолог хоналари ишлаб турибди. Эндокринолог, офтальмолог, невропотолог каби шифокорлар беморлар хизматида.

Диспансерда ташхис қўйиш, даволаш ишлари халқаро меъёр талабларига мувофиқлаштирилганлигини таъкидлаш жоиз. Бу ерда жаҳон соғлиқни сақлаш тизимига кирувчи «ДОТС» – қисқа муддатли назоратли даволаш маркази очилганлиги айни муддао бўлди.

Силга қарши кураш ишларини молиялашда Германиянинг «КФВ» банки грантининг аҳамияти катта бўлди. Клиник, биохимик, цитиологик бўлимлар жиҳозланиб, 4 та бинокуляр заррабин, «Филипьс» кўчма рентген аппарати билан таъминланди. Факс, электрон почта, интернет хизмати ишлаб турибди.

Дориларнинг айрим турлари шифохонанинг ўзида тайёрланяпти. Глюкоза, навакаин, аналгин каби дорилар шулар жумласидандир. Сиҳатгоҳ 11 гектар майдонни эгаллаган. Бу ерга 1000 тупга яқин мевали, манзарали дарахтлар экилган.

– Даволаш ишлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланяпти, – дейди бош ҳаким Ш.Раҳмонов. Яъни диспансер учун йилига ўртача бир миллиард маблағ харажат қилинаётир.

Силни жиловлашда андижонлик тиббиётчилар анча илгарилаб кетган. Хусусан жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти йўналишидаги «ДОТС» дастури бўйича вилоятда ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Сил касалликларини даволаш юзасидан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг 2004-2008 йилларга мўлжалланган дастури изчиллик билан ҳаётга тадбиқ қилинмоқда. Айни кунларда шаҳар ва туманларда 26 та ана шундай муассаса ишлаб турибди.

Андижонлик тиббиётчилар фарзандларни турли касалликларга қарши чиниқтиришни гўдакликдан бошлашга одатланганлар. Бошқарма ҳузурида малакали мутахассислардан ташкил топган мониторинг гуруҳи доимий ҳаракатда. Таркиб махсус жиҳозланган сайёр машинада қишлоқларни кезади. Улар чақалоқликдан то 14 ёшгача бўлган болаларда силга қарши ҳимоя бўйича эмлаш тадбирларини ўтказмоқда. Гумон қилинган беморлар дарҳол диспансерларга ётқизилади. Марказий шифохоналар, қишлоқ врачлик пунктлари, амбулаторийлар бинокуляр заррабин, контейнерлар, реактивлар билан таъминланган 23 та лабораторияда жадвал тартибида аҳоли силга қарши тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. 2003 йилнинг 9 ойида янги туғилган 33 минг 934 нафар чақалоқнинг 99 фоизи сил хуружига қарши дори-дармон билан эмланган.

Вилоят тиббиётчиларининг бутун жаҳон соғлиқни сақлаш тизимига уланиши 2001 йилдан бошланган. Вилоят диспансерида компьютерлаштирилган ўқув маркази иш бошлагач, илдам ривожлана бошлади. 2003 йил июл ойида СДС (АҚШ) халқаро ташкилоти ҳомийлигида силга чалинган беморларни ташхис қилиш ва даволашни замонавийлаштириш мавзуида семинар уюштирилди. Ўқув жараёнида 25 нафар врач, ҳамшира, лаборантларга малака оширилганлиги тўғрисида халқаро сертификат топширилди. Айни пайтда тизимдаги 7000 нафар ҳаким, 300 нафар ҳамшира «ДОТС» дастурида белгиланган қайта тайёрловдан ўтиб, касалликларни аниқлаш, силга қарши дори-дармонлардан фойдаланиш, назорат йўли билан даволашни ташкиллаштириш ҳақида халқаро шаҳодатнома олганлар.

**Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири**

*Излаган имкон топади*

## ОҚИБАТЛИ ЭЛ

**фаровонликни ўз қўли билан яратади**

Жамоатчиликни буюк мақсадлар билан катта бунёдкорлик ишлари сари сафарбар қилиш чексиз эзгуликнинг бошланишидир. Самарқанд вилоятида «Обод маҳалла йили» давлат дастурининг бажарилиши борасидаги ишларни таҳлил қилар эканмиз, ана шу фикр хаёлимиздан ўтди. Зеро, элнинг ижтимоий интилишлари ўз самарасини кўрсатди.

Ўтган йил мобайнида «Маҳалла» ва «Экосан» жамғармалари ҳамкорлигида вилоятда маҳаллалараро танлов ўтказилди. Экологик тозалик, ободончилик, кўкаламзорлаштириш йўналишида ўтказилган бу кўрикда Тойлоқ туманидаги «Хўжақишлоқ» маҳалласи биринчи ўринни эгаллади. Каттақўрғон туманидаги М.Пўлатов номли, Самарқанд шаҳридаги «Саидмаҳалла» маҳаллалари ҳам намунали деб топилди. Шу жараёнда ободончилик билан бир қаторда маҳаллаларда инфраструктура ривожланишига, тадбиркорлик кўлами кенгайишига, ишсизлик камайишига, ижтимоий турмуш муаммолари ҳал қилинишига эришилгани муҳимдир.

Ҳар бир маҳаллада ёшлар тарбиясига эътибор кучайди. Болалар спортини ривожлантириш учун майдончалар жиҳозланди. Бу борада Булунғур, Тойлоқ, Пахтачи, Иштихон туманлар маҳаллалари аҳли ибрат кўрсатишди. Энг фаол спорт маҳалласи республика танловида Иштихондаги Ж.Маҳмудов номли, Булунғур туманидаги «Бешқўтон» маҳаллалари фаол қатнашди. Бешқўтонлик ўсмирлар белбоғли кураш бўйича вилоят биринчилигида ғолиб бўлишди. Уларнинг беш нафари республика мусобақасида ҳам биринчи ўринни эгаллади. Иштихон тумани Ж.Маҳмудов номли маҳалла болалар футбол жамоаси республикада учинчи ўринни қўлга киритди. Миллий кураш беллашувларида каттақўрғонлик қизлар, пастдарғомлик ва тойлоқлик ўсмирлар совриндор бўлишди.

Маҳаллалар чинакам ўз-ўзини бошқарув масканига, гавжум гўшаларга айланиб бормоқда. Ҳар бир маҳалла ўз марказига эга. Тойлоқ туманида 20 та маҳалла, Ургутда 17 та маҳалла янги бинога эга бўлди. Самарқанд шаҳридаги «Саидмаҳалла», «Олтин аср» маҳаллаларида замонавий лойиҳада янги бинолар қурилди. «Олтин аср» маҳалласидаги бунёдкорлик ишларининг ташаббускори тадбиркор Хайриниса Шатанова бўлди.

Ҳозирги кунда Тойлоқдаги Шопўлат номли, Оқдарёдаги Бошдирхон номли, Пайариқдаги «Хўлобод» маҳаллаларининг иш тажрибаси бутун вилоят бўйича оммалаштирилмоқда. Бу барча маҳаллалар фаолиятини жонлантиришда муҳим омил бўляпти. Жойларда ташкил этилган маиший хизмат шохобчалари, ҳунармандчилик устахоналари, кичик корхоналарда кўплаб фуқаролар доимий иш жойларини топишди. Кам таъминланган оилаларга, ёлғиз кексаларга, ногиронларга, бошқа муҳтожларга моддий ёрдам ва меҳр-мурувват кўрсатиляпти.

**Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси қошидаги Олий бизнес мактабининг корпоратив бошқарув марказида навбатдаги ўқув курси бошланди.

## БИЗНЕСМЕНЛАР ЎҚУВИ

Ўтган йили ташкил этилган мазкур марказ бизнесни бошқариш бўйича кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш билан шуғулланади. 2003 йилда бу ерда 240 нафар тингловчи махсус курсларни битириб, тегишли сертификат олди.

Айни пайтда бу ерда олтмиш нафардан зиёд тадбиркор корпоратив бошқарув, ҳуқуқий тизим, молиявий ҳисобот, менежмент ва маркетинг йўналишлари бўйича ўқимоқда. Акциядорлик жамиятларининг бошқарув ҳамда кузатув кенгаши раислари, шунингдек, бошқа раҳбар ходимлар малака оширмоқда.

**(ЎзА)**

## НИШОНДА ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИ

Яқинда Нишон туманида қишлоқ врачлик пункти иш бошлади. «Самарқанд» фермерлар уюшмаси ҳудудидаги мазкур шифо маскани Европа Иттифоқи молиявий агентлиги маблағи эвазига барпо этилди.

– Қишлоғимиз аҳолиси тиббиёт хизматидан қийналиб турган бир пайтда шифо масканининг ишга туширилганлиги айни муддао бўлди, – дейди фуқаролар йиғини раиси Ғайрат Йўлдошев. — Врачлик пунктида кундузги даволаниш, физиотерапия ва лаборатория бўлимлари мавжуд.

Бугунги кунда уюшма тасарруфида 204 та фермер фаолият кўрсатяпти. Ўтган йил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан яхшигина даромад олинди. Ишлаб топилган маблағнинг бир қисми ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилди.

**С.ШАВКАТОВ**

## КОЛЛЕЖ БУЮРТМА ҚАБУЛ ҚИЛМОҚДА

Жиззах енгил саноат коллежида тўрт юздан ортиқ йигит-қиз тикувчилик, тўқувчилик, теле-радио жиҳозлари созловчиси каби ихтисосликлар бўйича ҳунар ўрганмоқда.

Коллеж устахонасига Осиё тараққиёт банки кредити ҳисобидан 26 та «Зингер» тикув машинаси ўрнатилиб, тикувчилик цехи ташкил этилди. Энди талабалар назарий билимларини ишлаб чиқариш асосида мустаҳкамлаш билан бирга коллежнинг иқтисодий базасини ҳам яхшилашга ёрдам беради.

Цех тадбиркор ва ташкилотлардан дастлабки буюртмаларни ола бошлади.

*Шарҳловчи минбари*

## САДДАМНИНГ ҚУРОЛЛАРИ ҚАЕРДА?

АҚШ расмий доиралари томонидан Ироқда Саддам Ҳусайнга тегишли оммавий қирғин қуроллари (ОҚҚ) билан боғлиқ янги тахмин илгари сурилмоқда. Ўтган чоршанба куни сенатор Пэт Робертс журналистлар билан учрашувда, мазкур ажал қуроллари Сурия ҳудудига олиб ўтилган, деган фикрни билдирди.

П.Робертс АҚШ Республикачилар партиясининг етакчиларидан бири бўлиб, Сенатдаги разведка масалалари бўйича қўмитага раислик қилади. Унинг таъкидлашича, ОҚҚ Ироқдан Сурияга денгиз йўли орқали етказилган бўлиши мумкин. Сенатор ўзининг мазкур фикри юзасидан батафсил маълумот бермади.

Буюк Британиянинг Reuters ахборот маҳкамаси тарқатган хабарларга қараганда, АҚШ махсус хизматлари Ироққа тегишли ОҚҚ қўшни Сурияга олиб кетилиши тўғрисидаги маълумотни анча олдин қўлга киритган. АҚШ сунъий йўлдошлари томонидан Ироқ ҳудуди кўп бор суратга олинган. Уларнинг баъзилари мазкур тахминни асослаш учун ашёвий далил бўлиши мумкин.

Ўтган йилнинг октябрида АҚШ миллий картография агентлиги раҳбари Жеймс Клэппер сунъий йўлдошлар ёрдамида Сурия томон ҳаракатланаётган Ироқ юк автомобиллари суратга олинганини тўғрисида хабар берганди. АҚШ расмий вакиллари ушбу автомобилларга ракеталар ва тақиқланган қуролларнинг таркибий қисмлари ортилганига шубҳа қилмаяпти.

2003 йилнинг апрелида Ироқда Саддам Ҳусайн тузумига барҳам берилганидан сўнг АҚШ ва Сурия ўртасидаги муносабатларга бирмунча совуқлик оралади. Бунга, аввало, АҚШ мудофаа вазири Доналд Рамсфелднинг Сурия ҳукумати томонидан Ироқдаги собиқ тузум вакилларига бошпана берилаётгани тўғрисида билдирган баёноти сабаб бўлди. Шу тариқа Сурия КХДР, Судан, Куба, Эрон ва Ливия қаторида халқаро террорчиликни қўллаб-қувватловчи мамлакатлар рўйхатидан жой олди. Ўтган йил ноябрда эса АҚШ конгресси қуйи палатаси Сурияга нисбатан жазо чораларини жорий этиш масаласини ёқлади. Вазиятнинг бундай тус олганига қарамай, бугунги кунда АҚШ ва Сурия ўртасидаги дипломатик алоқалар тўхтаб қолгани йўқ. Шу боис бу икки мамлакат муносабатларида юзага келган зиддиятлар келгусида қандай йўналиш олиши тўғрисида ҳозирча бирор аниқ фикр мавжуд эмас.

**(ЎзА)**

## ЎҒРИЛИК ФОШ ЭТИЛДИ

***Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ходимлари томонидан олиб борилаётган тезкор-қидирув тадбирлари «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси тизимида катта талон-тарожликлар давом этаётганини кўрсатди.***

Жумладан, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводига қарашли Поп ва Ангрен терминалларида жуда кўп миқдордаги бензин, дизель ва газоконденцат ёнилғиси ташиш ва сақлаш жараёнида ўғирланиб, ўзлаштирилган. Ёнилғи маҳсулотларининг камомади сув билан тўлдирилган ёки сохта ҳужжатлар билан хаспўшланган.

Номи зикр этилган департаментдан маълум қилишларича, Ангрен ва Поп нефть омборларида ўтказилган текширув жараёнида 1 миллиард 44 миллион сўмлик ёнилғи камомади аниқланган. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

**(ЎзА)**

*Эл нетиб топғай мениким...*

# НАВОИЙНИНГ ФОРСИЙ РУБОИЙЛАРИ

Маълумки, Алишер Навоий нафақат ўзбек, балки форс-тожик тилида ҳам Фоний тахаллуси билан ижод қилган забардаст зуллисонайн шоир ҳисобланади. Форс-тожик тилини унинг иккинчи она тили, дейиш мумкин. Чунки у улуғ форсий шоирлар таъсирида илк бор шу тилда шеър ёзди ва бир умр бу машғулотни канда қилмади. «Хазойин ул-маоний» («Чор девон») девонлар туркумини тузиб бўлгач, форс тилидаги ижод намуналарини ҳам тўплаб, «Девони Фоний»га тартиб беради. 12 минг мисра шеърдан ташкил топган бу девон ҳажмига кўра Ҳофиз Шерозий девонига қарийб тенг келади. Агар «Ситтаи зарурия» ва «Фусули арбаа» туркумларига кирган ўн қасидаси ва адабиётшуносликка оид «Рисолаи муфрадот» асарини ҳам қўшса, шоирнинг форс-тожик тилидаги мероси салмоқли эканлиги маълум бўлади. Алишер Навоийнинг форсий мероси Абдураҳмон Жомий, Абдуллоҳ Ҳотифий, Камолиддин Биноий, Хондамир, Давлатшоҳ Самарқандий каби замондошлари ва бошқалар томонидан юксак баҳоланган.

«Девони Фоний»нинг мўътабар қўлёзмалари Париж, Теҳрон ва Туркия кутубхоналарида сақланади. Теҳрондаги нусха 1963 йили машҳур адабиётшунос олим Рукниддин Хумоюнфаррух томонидан нашр этилган. Ҳозирча энг мукаммал деб қаралаётган Париж нусхаси эса 1965 йили таниқли матншунос Ҳамид Сулаймон томонидан Алишер Навоийнинг ўн беш жилдлик асарлари таркибида илк бор икки китоб бўлиб босилиб чиққан.

«Девони Фоний»дан шоирнинг 72 та рубоийси ўрин олган. Маълумки, мумтоз адабиётда рубоий икки хил қофияланиш тартибига эга: биринчи, иккинчи ва тўртинчи мисралари қофияланадиган одатдаги рубоий ва ҳар тўрттала мисраси ўзаро қофияланадиган таронаи рубоий. Бундай рубоий рубоийи мусарра деб ҳам юритилган. Алишер Навоий уларни рубоия деб юритади. Шоир рубоийларининг аксарияти шу тарзда қофияланган. «Ғаройиб ус-сиғар» девонидаги 133 та рубоийнинг 115 таси, «Девони Фоний»даги рубоийларнинг эса барчаси таронаи рубоийдир.

«Девони Фоний» ҳозирга қадар ўзбек тилига шеърий таржима қилинмаган. Фақат Ғафур Ғулом ва Ҳабибий шоирнинг бир неча ғазали, Шоислом Шомуҳамедов «Туҳфат ул-афкор» қасидаси, қитъа ва рубоийларидан баъзи намуналарни, Носир Муҳаммад ҳам бир неча ғазал, қитъа ва рубоийларини назмий таржима қилганлар. Таниқли навоийшунос Абдуқодир Ҳайитметов эса зикр этилган қасидасини насрий таржима қилган.

Биз шоир рубоийларини биринчи марта ўзбек тилига ўз арузий вазни билан тўла таржима қилдик. Албатта, ҳар тўрттала мисраси ҳам қофияланганини бу рубоийларни таржима қилиш жараёнида анча-мунча қийинчиликлар туғдирди. Лекин биз имкон қадар бу қийинчиликларни енгиб, 72 рубоийнинг барчасини таронаи рубоий шаклида ўзбекчалаштиришга муваффақ бўлдик.

Илоҳий ва мажозий ишқ тараннуми, инсоний камолот масалалари, умрни қадрлаш, нафсни мазаммат қилиш, маъшуқа таъриф-тавсифи, висол умидию ҳижрон азоблари бу рубоийларнинг мазмун—моҳиятини ташкил этади.

«Девони Фоний» сўзма-сўз таржимаси билан икки марта босилиб чиқди. Энди унинг шеърий таржимасини ўзбек ўқувчиларига етказиш вақти келди. Алишер Навоийга давлат миқёсида эътибор берилаётган, навоийшунослик ўзининг янги юксалиш босқичига кирган, миллий ўзини ўзи англаш кучайган ҳозирги даврда бу янада долзарб ва муҳим аҳамият касб этади.

Қуйида Алишер Навоий (Фоний)нинг форс-тожик тилидаги рубоийларидан танланган мўъжаз гулдастани эътиборингизга ҳавола этамиз:

***Ҳар лаҳза бу чархдан жафолар етса,***
***Даврон элидан турфа балолар етса,***
***Ғам йўқ агар ул ойдан вафолар етса,***
***Бош зулфидек ер ўпиб, видолар етса.***

* * *

***Ўлдирма мени ҳажринг ила, эй жонон,***
***Бу ғамли дилимни этма баттар вайрон.***
***Мендан кеча олислаганингга бир он,***
***Бошимдан ақл учди-ю, жисмимдан жон.***

* * *

***Бу майкада риндларга макон, эй соқий,***
***Тортиб мени элтдилар уён, эй соқий,***
***Тут менга шароби арғувон, эй соқий,***
***Майдан ўлишим бўлди аён, эй соқий.***

* * *

***Ўткинчи ҳавасларга экансан мафтун,***
***Ғам-ғуссадан озод эмассан бир кун.***
***Бўлмоқ эсанг Искандару Жамдан устун,***
***Жом ойинасисиз бу эмасдир мумкин.***

* * *

***Сурганча хаёл, эй дили девона,***
***Орзу қиласан ёр бўлишин ҳамхона.***
***Қандай сенга ҳамхона бўлар жанона?***
***Хона қани сенда? Бори шу вайрона...***

* * *

***Эй дўст, ҳалокатлидир айёми фироқ,***
***Ҳижрон заҳарига қоришиқ жоми фироқ,***
***Туғдирса висол тонггини гар шоми фироқ,***
***Кечирма сира тутсам агар номи фироқ.***

* * *

***Зуҳд аҳлидан ўз кўнгилни буткул, эй дил,***
***Қургил фано дайрида манзил, эй дил,***
***Мақсад маю мутриб ила ҳосил, эй дил,***
***Бир-бир айтдим, қулоқ сол, эй дил, эй дил.***

* * *

***То дилда кучу қуввату жон бор эрди,***
***То танда ҳаётдан нишон бор эрди,***
***Дил мойили ҳусни дилистон бор эрди,***
***Жон волаи ошўбу жаҳон бор эрди.***

* * *

***То тушдию дилга меҳри ул моҳлиқо,***
***Қон бўлди жигар, кўзимнинг ашки дарё.***
***Йиғлашди кўриб бир бошима шунча бало,***
***Осмонда қушу сувда балиқлар ҳатто.***

* * *

***Ишқ ўтида куйган хаста жонман, на қилай?***
***Девонаю расвои жаҳонман, на қилай?***
***Сабр менга эрур чора, аён, ман на қилай?***
***Билсам-да, қилишга нотавонман, на қилай?***

**Эргаш ОЧИЛОВ,**
**филология фанлари номзоди**





Фарғона шаҳридаги ўқувчилар техник ижодиёт марказида бадиий, техник ҳамда халқ амалий санъати йўналиши бўйича ўқувчиларга билим берилмоқда.

– Марказимизда болалар бўш вақтида ўзлари қизиққан тўгаракларига қатнашиб, касб-ҳунар сирларини мукаммал ўрганиб келяпти, – дейди ўқувчилар ижодиёт маркази бўлим бошлиғи Гулхумор Гияева. – Бундан ўқувчиларнинг ота-оналари ҳам хурсанд.

Қувонарлиси, марказ қошидаги ракетасозлик модели, автомобилларни лойиҳалаш ва самолётсозлик тўгарагига қатнашувчи ўқувчилар республика миқёсида ўтказилган мусобақаларда муваффақиятли қатнашдилар.

**М.ҚОДИРОВ**
**(ЎзА) олган суратлар**

*Шифокорлар ҳақида ҳикоялар*

***Олий тоифали шифокор, тиббиёт аълочиси Қўлдош Қувватов 34 йилдан буён Қашқадарё вилоят кўз касалликлари шифохонасида узлуксиз фаолият кўрсатиб келаётир. «Қизилтепа» физиотерапия сиҳатгоҳи раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Акбар Бекмуродов у ҳақида шундай фикр билдирди.***

# ЁРУҒ ЖАҲОНИМ МЕНИНГ

–У Самарқанд Давлат тиббиёт институтини тугатиб иш бошлаганда кўз касалликлари шифохонаси Қарши шаҳрининг Ўзбекистон кўчасидаги кўримсизгина бинода жойлашган эди. Ёш шифокорнинг саъй-ҳаракатлари билан тиббиёт маскани таъмирланди, шарт-шароитлари яхшиланди. Шу даврда шифохона бинолари энг замонавий техника воситалари ва мебеллар билан жиҳозланди, малакали кадрлар билан таъминланди. Яна бир жиҳати, бинолар, шифохона ҳудуди яшилликка бурканди. Ҳар туп гул, дов-дарахт қалб кўри ила парвариш қилинмоқда. Шу боис кўзни қувнатадиган даражада ажиб кўриниш касб этган.

Шифохонада 5 та бўлим бўлиб, ҳар йили 5.5 мингдан ортиқ бемор даволанади. 18 врач, 45 нафар ўрта тиббиёт ходими беморлар хизматида. Кадрлар малакасини оширишга эътибор қаратилган.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда хориж тажрибасидан фойдаланишмоқда. Бу борада ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шу йил бошида Исроил давлатидан келган офтолмологлар Доктор Дан-Закс ва Доктор Эмануэл Швабль ўн кун давомида юзта нозик жарроҳлик амалиётларини бажаришди. Шунча бемор кўзига бепул сунъий гавҳар қўйишди. Исроилликлар ўтказган жарроҳлик амалиёти шифохона врачлари учун бебаҳо сабоқ ва ўзига хос тажриба бўлди.

– Эндиликда ўзимизнинг олий тоифали шифокорларимиз Бахтиёр Тўраев, Толибжон Раҳмонов ва Бахтиёр Ҳамроевлар кўзга сунъий гавҳар қўйишдек нозик жарроҳлик амалиётини бемалол бажармоқдалар, - дейди бош шифокор Қўлдош Қувватов. - Исроиллик шифокорлар операция жараёнида ўзларига ёрдам берган ҳамшира қизларимиз билимдонлиги, зукколиги, топқирлигию тиришқоқлигига қойил қолишди. Булар бош ҳамшира Зуҳра Ҫатторова, микрожарроҳлик бўлими ҳамширалари Зиёда Тошева, Нигора Пирматова, болалар бўлимидан Дилоро Пирматова сингари умидли ёшлардир.

Бош шифокор исроилликлар билан қатор келишувлар қилинганидан мамнун. Улар жарроҳлик амалиёти учун энг зарур тиббий асбоб-ускуна таъминотида ҳамда кадрлар малакасини оширишда кўмаклашадиган бўлишди.

Шифохонада ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширлаётир. Махсус тадбирга кўра шифохона хусусийлаштирилиб, кўз микрожарроҳлиги марказига айлантирилди. Шу боис босқичма-босқич давлат тасарруфидан чиқаришга ҳозирлик кўрилаётир. Бунда асосан ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ҳам назарда тутилган. Кейинги бир йилда шифохона 10 миллион сўм маблағ топгани юқоридаги фикрлар далилидир.

– Қўлдош Қувватов билан деярли тенгдошмиз, - дейди вилоят оналар ва болалар шифохонаси бош врачи Эркин Нодиров. – Институтда бир даврда ўқиганмиз, меҳнат фаолиятимизда ҳам деярли фарқ йўқ. Бир сўз билан айтганда, у бутун борлиғини халқ соғлиғи йўлига бахшида этиб келаётган касб соҳибидир. Яна бир жиҳати, унинг ўнлаб шогирдлари-издошлари бор. Қувонарлиси Қувватовлар оиласи фидойи-шифокор оиласидир...

Ҳа, олий тоифали врач, тиббиёт аълочиси Қўлдош Қувватов соғлиқни сақлаш тизимининг муҳим бўғинида самарали хизмат қилибгина қолмай, бу ишга жамоаси ва оиласи аъзоларини ҳам фаол қатнашишга, эл дуосини олишга руҳлантириб келмоқда.

**Ҳ.ПИРИМҚУЛОВ**

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ижросининг биринчи босқичи якунлари бўйича кўплаб ҳужжатларни тайёрлади. Таълим тизими ва мазмунини таркибий қайта қуриш, таълимнинг меъёрий, услубий асосларини яратишга қаратилган бу ҳужжатлар алоҳида тўплам ҳолида босмага ҳозирланди.

Ушбу янги тўплам вазирликнинг буйруқлари, ҳайъат қарорлари, йўриқномалар ва бошқа зарур ҳужжатларни ўз ичига олди.

«Олий таълим меъёрий ҳужжатлари тўплами» деб номланган мазкур нашр таълим тизимида фаолият кўрсатаётган раҳбар ходимлар учун яхши қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Тўпламнинг иккинчи нашри ҳам босмага тайёрланди. Тўплам олий таълим тизимининг тўлақонли фаолиятини ёритишда зарурий нашр сифатида кўпчиликка манзур бўлди.

**А.АЛИЕВ**

*«Овчи ён дафтари»дан*

# БЎРИ ТАЪҚИБИ

— Уввв-в-в-в!

Ғайритабиий бу сафар чоғида анчадан бери менга яна икки «йўлдош» қўшилган. Улар мен бораётган йўл четидаги арғамчидек чуваланган зовурнинг нариги қирғоғи бўйлаб қаторлашган дўнгликлар узра боришяпти. Тун зулмати орасида кўзлари жонли чироқдек ялтирайди.

— Ув-в-в-в-в-!

Аввалига биринчиси овоз чиқаради, сўнг шериги унга жўр бўлади.

Айни кучга тўлган навқирон йигит бўлсангиз ҳам, барибир, бўри улиши, бунинг устига, якка-ёлғиз ва тун зулмати қўйнида эканингиз баданингизни сесекантирмасдан қўймас экан. Яхшиямки, қош қораяётган пайтда йўлда учраган охирги қишлоқ четидаги теракзордан икки қулочдек таёқ кесиб олганим. Тунги «йўлдош»лар билан учрашувимиз кутилмаганда юз берди. Олдинига ҳакка шақиллагандек товуш эшитилди. Ажабо, тунда ҳакка нима қилади, деб ўйладим. Қушлар кечаси ухлашади-ку!

Шу маҳал шундоққина мендан ўн беш-йигирма қадам наридаги тупроқ уюми устида қўриқчидек қаққайган икки шарпага кўзим тушди. Бутун вужудим бўйлаб минглаб чумолилар ўрмалаётгандек бўлди. Дарров англадим, бўрилар!

Тезда ўзимни тутиб олдим. Бўри бўлса, нима қипти? Улар итнинг ёввойилари холос. Қўлимда таёқ бор, қани яқинлашиб кўришсин-чи! Айтгандай, пичоғим ҳам бор-ку! Пахтага жўнаш олдидан далада асқотиб қолар деган ўйда қаламтарош сотиб олгандим. Шу фикр билан қаламтарошни таёқ учига рўмолча ёрдамида найзасимон қилиб боғладим.

— Қани, яқинлашиб кўринглар-чи, биқинларингдан дарича очиб қўяман— дедим овозимни баландлатиб.

Аслида бугунги нохуш воқеага ўзим сабабчиман. Тошкентга ўқишга кириш учун уч синфдош келган эдик. Менинг омадим чопди-ю, қолган икки шеригимнинг уйга қайтишларига тўғри келди. Бири шундай қилди, иккинчиси эса шаҳарда қолиб темир йўл станциясига ишга кирди. Орада талабалик ҳаётининг ажралмас бўлаги бўлган пахта теримига жўнаб кетдик. Ўн беш кун ўтмасдан шаҳарга тушган курсдошим темир йўлда ишлаётган ҳамқишлоғим (имтиҳон пайтида танишиб қолишган эди)дан салом келтирди, ҳамқишлоқ дўстим армияга жўнаб кетаётган эмиш.

Одамлар билан лиқ тўла перрон. Елкасига қопчиқ осган йигитлар. Бир четда ёлғизгина, мунғайиб турган дўстим кўз олдимга келди. Уйдагилари бехабарлигига яраша лоақал мен кузатиб қўяй!

Беҳуда овора бўпман. Ҳамқишлоғим қандайдир сабабга кўра кейинги чақириққа қолдирилган экан. Ортимга қайтдим. Аммо биз пахтасини тераётган чўл тумани марказига етиб келганимда қуёш баланд тоғлар ортига ёнбошлай бошлаган эди. Меҳмонхонада тунаб қолишга бўйним ёр бермади. Автобусда дарров етган эдик-да. Демак, бирон соатларга қолиб-қолмасдан ётоғимизга кириб бораман. Ҳозир ана шу калта ўйлик жабрини тортаётган эдим.

Ана улар! Чўғдек ялтираган икки жуфт кўзларини мен тарафга қадаганларича тупроқ уюми устида ҳайкалдек тик қотишган. Аёзда совқотишаётган сингари тишларини шақиллатишга тушишди. Мен эса парвойимга келтирмасликка уринаман. Ваҳшийлар дағдағасига жавобан туман марказидан чиқаётганимда тип-тиниқ бўлган, сўнг булутлар ўрмалаган, ҳозирга келиб унда-бунда юлдузлар ва ой мўралаётган тун қўйнида пичоқ учи ялтираб кўринишидан умид қилиб, таёқни баланд кўтариб силкитиб қўяман. Чиндан ҳам мақсадимга етаяпманми, ҳайтовур, ваҳшийлар зовурдан ўтишга ҳамон юраклари бетламаяпти. Шу тариқа кутилмаган «йўлдош»лар билан қанча вақт ҳамроҳлик қилганлигимни билмайман. Лекин олислардан эшитилган хўрозлар қичқириғи оёқларимга дармон киритди. Кўнглимда умид учқунлари алангаланди. Демак, қишлоқ яқин, ваҳшийлар таъқибидан қутулишимга оз қолди.

Ниҳоят чироқлар кўринди. Биз ўрнашган бўлимга етмасдан пахта тайёрлаш пункти жойлашган. Чироқлар ўшаники эди. Унга етмасдан сал берида зовур чапга қайрилди. Сал ўтмасдан қишлоқ четида тўрт оёқли шериклар билан хайрмаъзурни насия қилдик. Пунктга пахта келтирган тиркамали тракторга чиқиб ётоғимизга етиб олдим.

- Қаердан келаяпсан шу маҳалда? - ўдағайлади раҳбаримиз мени кўриб.

Жавобимни эшитиб кўзларининг пахтаси чиқди.

- Сенда эс борми, ҳой бола? Кеча кечқурун велосипед минган болага бўрилар ҳужум қилиб, сал қолибди ўлишига. Одамлар қутқариб олишибди. Шу кун бошингга тушса нима қилардинг?

- Ҳеч қанақа бўри-мўрини кўрмадим, - дедим четга қараб.

**О. ЖУМАНАЗАРОВ**

***Халқимиз Луқмони Ҳакимнинг номини неча асрлардан бери табобат илмининг пиру комили, нафаси ўткир табиб сифатида тилдан қўймай келади. Шундан бўлса керакки, бирор дардга йўлиқса аввало ана шу буюк табиб руҳидан мадад сўрайди. Ундан мерос бўлиб қолган ўгитларига амал қилиб шифо топади.***

***Истиқлол туфайли Луқмони Ҳаким мероси халқ мулкига айланди. Қуйида ҳар сўзи дардларга малҳам бобокалонимиз ўгитларидан намуналар берилган.***

## ЛУҚМОНИ ҲАКИМ ХАЗИНАСИДАН

Агар одамнинг бирор аъзоси оғриб қолса, у кашнични кўкидан туйиб есин.

* * *

*Исириқни талқон қилиб, сувга аралаштириб темираткага суртилса – касаллик чекинади.*

* * *

Яра ёки жароҳатга чумчуқ миясини суртсангиз тузалади.

* * *

*Чипқон ҳали пишмаган бўлса, гулхайрини қатиққа аралаштириб суртинг, яра уч беради ва патосни чиқариб юборади.*

* * *

Агар кишида ўсма-шиш пайдо бўлса, асалари уясидан қайнатма қилиб ичиши керак.

* * *

*Соч тўкилган жойга куйдирилган саримсоқ пўсти билан зайтун мойидан малҳам тайёрлаб суртиш керак. Қизил лавлагини қайнатиб, оқарган сочга суртсангиз, қорайтиради.*

* * *

*Чаён чақса, ниш урган жойга, аввалдан чаён солиб қўйилган мой суриш керак.*

* * *

Илон чаққан жойга дарҳол саримсоқ палласини суртинг.

* * *

*Агар киши саримсоқни кўп еса, унга илон заҳри ўтмайди. Чунки саримсоқ илон заҳридан зўрроқ.*

***

*Асалга омухта қилинган турп уруғи ошқозон касаллигига даводир.*

* * *

Саримсоқ хомлигича ейилса, ошқозон қуртини нобуд қилади.

## ТЎЙЛАРИМИЗ ЧИРОЙЛИ ЎТСИН

Республика Маънавият ва маърифат марказида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил октябрдаги "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни тартибга солиш тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлашга бағишланган тадбир ўтказилди.

Мазкур тадбир пойтахт аҳолисидан келиб тушаётган эътирозларни инобатга олган ҳолда Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси ҳамда шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ўтказилди. Унда маҳалла тўй комиссиялари, фуқаролар йиғини ва хотин-қизлар кенгаши раислари иштирок этди. Тадбирда иштирокчилар томонидан тўй-ҳашамларда дабдабабозлик, манаманлик каби салбий иллатларнинг кундан-кунга авж олиб кетаётганлиги таъкидланди.

Тадбирда билдирилган фикрлар асосида тўй маросимларни тартибга солиш бўйича туман ва шаҳар комиссияларини ташкил қилиш ва жамоатчилик асосида ушбу салбий ҳолатларни олдини олиш тўғрисида келишиб олинди.

**"Туркистон-пресс"**

*Футбол*

***Маълумки, Осиё қитъаси ва Европанинг баъзи мамлакатларида футбол мавсуми баҳор - куз фаслларида ўтказилади. Шу боис қиш мавсумида жамоалар келгуси йил ўйинларига тайёргарлик кўра бошлайдилар. Айрим жамоалар ўз базаларида тайёргарлик кўрса, баъзи иқтисодий жиҳатдан бақувват клублар йиғинларини хорижда ташкиллаштирадилар. Айрим жамоалар эса турли хил турнирларда маҳоратларини тоблайдилар.***

# «ПАХТАКОР» МДҲ КУБОГИДАН эрта қайтди

Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси учун мавсум тадориги анча вақтлироқ бошланган. Чунки пахтакорчилар Осиё чемпионлар лигаси баҳсларида «Нефтчи» билан биргаликда юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Ана шу баҳсларга тайёргарлик доирасида тошкентликлар МДҲ кубоги баҳсларида иштирок этишди. Биринчи ўйинда Тожикистоннинг «Регар - Тадаз» жамоасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратган вакилларимиз, кейинги ўйинда Москванинг «ЦСКА» клубига 1:2 ҳисобида ютқазиб қўйишди. Сўнгги ўйинда пахтакорчиларга фақат ғалаба керак эди.

Белоруснинг « Гомел» клубига қарши ўйинда футболчиларимиз ташаббусни ўз қўлларига олдилар. Бироқ Элдор Магдиев ҳамда Сервер Жепаров томонидан киритилган тўпларга белоруслик футболчилар ҳам икки тўп билан жавоб қайтаришди.Вакилларимиз тўрт очко жамғариб, гуруҳда учинчи ўринни эгаллашди ва кейинги босқичга чиқиш имкониятидан маҳрум бўлди.

Энди футболчиларимиз 11 феврал куни Осиё чемпионлар лигасидаги баҳсларда қатнашувни бошлайдилар. Эслатиб ўтамиз, вакилларимиз ўз гуруҳларида «Зоб Аҳан» (Эрон), «Ар- Риффа» (Баҳрайн), « Қатар спор клуби» (Қатар) жамоалари қаршилигини енгишлари лозим

Куни кеча йилнинг яна бир йирик мусобақаси, Хитойда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионати баҳсларига қуръа ташланди. Ўзбекистон терма жамоаси «С» гуруҳда Саудия Арабистони, Ироқ ва Туркманистон терма жамоалари билан баҳслашади. Вакилларимиз ўйинларни Ченгду ва Чонгкинг шаҳарларида ўтказадилар. Биринчи ўйин 18 июл куни Ироқ терма жамоасига қарши кечади.

**А. ЮНУСОВ**

Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси «Кумуш» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси ҳисобчиси Турсуной Комиловага ўғли

**БЕҲЗОДЖОН**нинг

бевақт фавот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.20

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 19500 Буюртма Г— 217 2345